

---

## “Бувайдам, сенинг ёшларинг!”

Россиянинг Қозон шаҳрида 1 ноябридан 6 ноябрига қадар белбоғли кураш бўйича 15-17 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда катталар ўртасида жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 26 та давлатдан 300 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Улар орасида ўзининг 55 кг вазни билан рақиблари устидан ғалаба қозongan, тумандошимиз Самандар Солиев бор. У ўз рақибларини енгиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ва олтин медални қўлга киритди. Халқаро спорт майдонида Ўзбекистон номини юксалтирган Самандар Солиевнинг Бувайда фарзанди экани барчамиз учун қувончли хабар бўлди. Куни кеча туман ички ишлар бошлиғи, иккинчи сектор раҳбари Рустамжон Ҳайитов раҳбарлигида чемпион тантанали равишда кутиб олинди. Солиевлар хонадонида яқинлари, ҳамқишлоқлари, мураббий ҳамда дўстлари иштирокида Самандарга эсдалик совғаларини топширилиб, ота-онаси ва мураббийсига миннатдорчилик билдирилди.

2022-11-09 13:53:20